

## **ЯЛЛИГЛАНИШ ВА УНИ ДАВОЛАШДА ИШЛАТИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ЙИФМАЛАР**

**C. C. Сафаров**

*Бухоро Давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон  
Республикаси Бухоро шаҳри*

Касалликларнинг асосий қисми, айниқса юкумли, аллергик касалликлар яллигланиш жараёни билан кечади. Яллигланиш организмнинг жароҳатловчи омилларга жавобидир. Яллигланиш жараёни маҳаллий ва умумий бўлиб, альтерация, эксудация, полиферация босқичларидан иборат, босқичлар организмдаги биокимёвий ўзгаришлар, яллигланиш медиаторлари – простагландин, брадикинин, серотонин, гистаминларнинг ажралиши билан боғлиқ.

Яллигланиш медиаторларининг ичida простагландинлар кучли жароҳатловчидир. Простагландинлар ҳосил бўлишида ферментлардан фосфолипаза А<sub>2</sub>, циклооксигеназа қатнашади. Яллигланиш жараёнида ушбу ферментларнинг фаоллиги ошиб, кўп миқдорда простагландинлар ҳосил бўлади, улар тўқималарни жароҳатлаб, альтерация ва эксудация босқичларини юзага келтиради. Яллигланиш медиаторларидан брадикинин қон томирларини кенгайтиради, уларнинг ўтказувчанлигини, яллигланиш ўчогида лекоцитлар миқдорини ҳамда ҳароратни оширади. Яллигланишда мукополисазаридалр қўпаяди, булар гидрофил бўлиб, ўзининг юзасига суюқликни ҳамда оқсилларни қамраб олади, тўқималар шишади, ҳужайралараро модда-гиалурон кислота бўлина бошлайди, натижада яллигланишнинг полифенракия босқичи рўёбга чиқади. Яллигланиш туфайли бемор оғриқ сезади, ҳарорати қўтарилади.

Яллигланиш билан кечадиган касалликлар кенг тарқалган, атама охирида “ит” суффикси бўлган касалликлар – миокардит, конъюктивит, плеврит, перитонит, неврит, миозит, гепатит, нефрит, артрит ва хакозоларнинг ҳаммаси яллигланишдан далолат беради. Шунинг учун бу касалликларнинг асосий сабабларига даво қилиш билан бирга яллигланишга қарши моддаларни қўллашга катта эҳтиёж туғилади.

Яллигланишга қарши таъсир қилувчи воситаларни умуман 4 гурухга бўлиш мумкин: ностероид яллигланишга қарши таъсирга эга бўлган воситалар, глюкокортикоидлар, коллогенлар терапиясида ишлатиладиган воситалар ёки кам таъсирга эга бўлган иммунодепрессантлар ва нихоят охиргиси хақиқий иммунодепрессантлар. Буларнинг барчасини умумий яна 2 гурухга бўлиш мумкин: тез таъсир қилувчilar – яллигланишнинг турли хил носпецефик омилларига таъсир қилувчи воситалар (ностероид яллигланишга қарши таъсир қилувчи моддалар), секин таъсир қилувчilar – патологик жараённи иммун тизими билан боғлиқ бўлимларига таъсир қилувчи воситалар (иммунодепрессантлар).

Давлатимиз раҳбарияти томонидан аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларини дори воситаларига бўлган эҳтиёжини тўлақонли таъминлашни амалга ошириш масаласига мунтазам равишда алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини илоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги ПФ-3923-сонли фармонига асосан мамлакатимизда тиббий хизмат

кўрсатишининг бирламчи бўғинини яратиш, хусусан мамлакатимизнинг чекка ҳудудлари ва қишлоқ жойларида яшовчи аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишиянида яхшилаш борасида қатор долзарб муаммолар ўз ечимини топди.

Мамлакатимиз турли хил касалликларни доривор ўсимликлар асосида даволаш бўйича ўзининг кўп асрлик анъаналарига эгадир. Буюк юртдошларимиз Ал-Беруний, Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Синодек мутафаккир олимларимиз томонидан қадимда тиббиёт амалиётида қўллашга тавсия этилган бой меросимиз асосида бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Биоорганик кимё институти, Ўсимлик моддалари кимёси институти, Тошкент фармацевтика институти ва бошқа бир қатор олийгоҳлар томонидан илмий асосланган ва клиник синовлар натижасида ўз тасдифини топган республикамиз бой ўсимликлар дунёсининг намуналари бугунги кунда тиббиёт амалиётида ўз ўрнини топди.

Тошкент фармацевтика институти олимлари томонидан “Фитоичимликлар рецептураси” услубий қўлланмаси тайёрланиб, умумтаълим мактаблари, коллеж ва лицейлар, олий таълим ҳамда тиббиёт муассасалари фитобарларида фитоичимлик дамламаларини тайерлаш, саклаш ва қўллаш бўйича амалда фойдаланиш ва риоя қилиш учун тавсия этилган. Юқоридагиларга асосан дорихоналарда фитобарлар ташкил этиш йўли билан аҳолига доривор ўсимлик дамламаларини етказиб бериш алоҳида долзарблик касб этади.

Маълумки доривор ўсимликлар асосида тайёрланадиган дори воситалари, шу жумладан доривор дамламалар қатор афзалликларга эга бўлиб, улар қуидагиларда ифодаланади:

- дори воситасининг тегишли самарадорлигига эга бўлган ҳолда, безараарлиги (кам заҳарлилиги);
- уларнинг “майн” доимий таъсири;
- тез ва осон тайёрлаш имкониятлари мавжудлиги;
- алоҳида мураккаб технологик ускуналар талаб этилмаслиги;
- арzonлиги ва бошқалар.

Юқоридагиларга асосан маҳаллий корхоналар томонидан 100 дан ортиқ ўсимлик хом ашёлари тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат этилган бўлиб, улар 28 фармакотерапевтик гурухларга оиддирлар. Тиббиёт амалиётида ўсимлик хом ашёларидан оддий (бир турдаги ўсимлик хом ашёларидан) ва мураккаб (икки ва ундан кўп турдаги ўсимлик хом ашёсидан) рецепслар асосида ўсимлик дамламаларини тайёрлаш ва тиббиёт амалиётида қўллаш йўлга қўйилган.

Аҳолини салқин, доривор, витаминаларга бой фитоичимликлар билан таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидағи 3200 га яқин даволаш-профилактика муассасаларида, шу жумладан 2541 та қишлоқ врачлик пунктларида фитобарлар ташкил этилган ва самарали фаолият кўрсатмоқда.

Сувли ажратмалар (дамлама ва қайнатмалар) - суюқ дори турларига кириб, доривор ўсимликлардан олинади. Дамлама ва қайнатмалар тайёрлашда тегишли меъёрий-таҳлил ҳужжатлари талаблари жавоб берадиган доривор ўсимликлар ишлатилади. Доривор ўсимлик ва сувни нисбати кўрсатилмаган бўлса, 1:10 га нисбатда тайёрланади. Демак 100 мл сувли ажратма олиш учун 10 гр доривор ўсимликка 100 мл қайнатилган сув қуйилади.

Маълумки доривор ўсимлик сувли ажратма тайёрлангандан сўнг ўзида бир қанча миқдордаги сувни ушлаб қолади. Ҳар қанча сиқилса ҳам бу сувни сиқиб олиш имконияти бўлмайди. Шу сабабли тайёрланган сувли ажратма, ўсимлик шимиб қолган суюқлик сабабли, белгиланган миқдордан кам бўлади. Сувли ажратма сифатли ва ҳажми белгиланган миқдорда бўлишини

таъминлаш учун сувли ажратмага солинадиган сув белгилангандан кўпроқ олинади. Бу миқдор хом ашёни гистологик тузилишига қараб белгиланади. Масалан, илдиз ва илдизпоялар учун 1,5 мл/гр бўлиб, 10 гр. илдиз ва илдизпоядан тайёрланадиган сувли ажратма учун 115 мл сув олинади. Уруғлар учун 3,0мл/гр бўлиб, 10 гр. уруғдан тайёрланадиган сувли ажратма учун 130 мл сув олиш керак. Агар хом ашё пўстлоқ, доривор ўсимликни ер устки қисми (ўт) ёки гуллар бўлса, унда 2,0мл/гр бўлиб, 10 гр. хом ашёдан тайёрланадиган сувли ажратма учун 120 мл сув олинади.

Фитоичимлик тайёрлаш учун майдаланган ва керакли миқдорда тортиб олинган хом ашё ёки керакли миқдордаги фильтр-пакетлар олиниб, хом ашё миқдорига мос, қопқоғи жипс беркитиладиган сирли идишга солинади ва устига хона ҳароратидаги қайнатилган сув қўйилади. Сув қайнаб чикгач (доривор ўсимликни ер устки қисми, ўтлари, барглари, гуллари ва ш.к.) яна 15 дақиқа қайнатилиб, 45 дақиқа совутилади. Қайнатиш ва совутиш муддатларини қисқартириш мумкин эмас, чунки совутиш жараёнида ҳам экстракция кетади.

Илдиз ва илдизпоялар, пўстлоқлар, уруғлар ва шунга ўхшашлар 30 дақиқа қайнатилиб, сўнг 10 дақиқа совутилади. Сувли ажратмани совутиш муддати ўтгандан сўнг икки қават докадан сузилади ва сиқилади.

Агар сувли ажратма 1-3 литр миқдорида тайёрланса, унда қайнатиш вақти 10 дақиқага узайтирилади ва барглар, гуллар, доривор ўсимликни ер устки қисмлари учун 25 дақиқа, илдиз ва илдизпоя, пўстлоқ ва шу кабилар учун 40 дақиқа деб белгиланади.

Сувли ажратмаларни дамлаш усули билан ҳам тайёрлаш мумкин. Бунинг учун тегишли миқдордаги хом ашё (фильтр пакет) чинни идишга (катта чойнак) солинади ва устига керакли миқдордаги қайнаб турган сув қўйилади ҳамда маълум вақтга устини сочиқ ёки бирор бошқа нарса билан ўраган холда қолдирилади. Сўнгра икки қават дока орқали сузиб, сиқиб истеъмол учун тайёрланади. Бу усулда термосдан ҳам фойдаланиш мумкин. Термосга керакли хом ашё (фильтр-пакет) ва қайнаб турган сув қўйилиб, бир соатга қолдирилади, сўнг икки қаватли докадан сузиб сиқилади.

Фитоичимликларни сақлаш шартлари ва қўллаш муддатлари.

Тайёр сувли ажратмаларни 2-5 С ҳароратда совутгичларда оғзи жипс беркитилган идишларда сақланди. Сувли ажратмалар сақлаш жараёнида чўкма тушиши мумкин. Бу чўкмалар доривор ўсимлик таркибидаги иссиқлиқда эриб совутилганда чўкмага тушиши мумкин бўлган тури таркиб ва хусусиятга эга бўлган моддалар бўлиб, улар мутлақо безарар. Шу сабабли сувли ажратмалар истеъмолга беришдан олдин чайқатилиши лозим.

Сувли ажратмаларни 1 қунлик эҳтиёж учун тайёрлаш мақсадга мувофиқ. Уларни таркибида турли табиатли моддалар бўлганлиги ва микроорганизмлар ўсиши учун қулай мҳҳит эканлиги сабабли, совутгичда сақлаганда яроқлилик муддати 2 кун. Сақлаш муддати ўтган сувли ажратмалар истеъмолга яроқсиз ҳисобланади.

Яллиғланишга қарши ишлатиладиган йиғмаларга мисоллар:

1. Наъматак меваси 30,0 Қорақат (смородина) меваси 30,0

2. Наъматак меваси 40,0 Четан (рябина) меваси 40,0

1 ва 2 йиғмани бир литр қайнаган сувда дамлаб қўйиб, ярим стакандан 3-4 маҳал ичиш тавсия қилинади.

3. Наъматак меваси 30,0 Газакўт (чаён ўт) кўкати 10,0

4. Қорақат (смородина) меваси 30,0 Газанда, кўкати 10,0

5. Наъматак, меваси 4 қисм Далачой (зверобой), кўкати 1 қисм Мойчечак, гуллари 1 қисм
6. Чаёнүт, барглари 3 қисм Наъматак, меваси 2 қисм Андиз (девясил), илдизи 1 қисм.
- 5 ва 6 чойларни 1 литр қайнаган сув қуиб, 45 дақиқа қайнатилади, совугач докадан ўтказилиб 0,5-1 стакандан кунига 3-4 марта ичишга тавсия қилинади.
7. Наъматак меваси 30,0, Қорақат (смородина), меваси 10,0, Чаёнүт, барги 30,0, Сабзи, илдизи 30,0..

Дамламани ярим стакандан кунига 2-3 маҳал ичилсин (витаминли чой).

8. Оққайин барги 50,0 Дала қирқбўғими 50,0

Дамлама кўринишида 1/2 стакандан кунига 3—4 марта ичилади (сийдик ҳайдовчи сифатида)

9. Оддий арча (можжевельник), куббаси 40,0 Дала қирқбўғими, ер устки қисми 40,0 Оққайин, барги 20,0

Дамлама кўринишида кунига 2—3 ош қошиқдан овқатдан олдин ичилади (сийдик ҳайдовчи сифатида)

10. Ялпиз, барги 30,0, Доривор валериана 20,0, Арслонқўйруқ, кўкати 30,0, Оддий фенхель (сумбул) 10

Ярим стакандан кунига 3 марта ичилади (уйқу сизлиқда, қўзғалишда, юрак ўйнашида).

## Фойдаланилган адабиётлар.

1. Салимова Ш.Т. О совершенствовании законодательной базы, регулирующей оборот лекарственных средств // Фармацевтический журнал.- 2011-. №4.- С.32-35.
2. Сидаметова З.Э, Алиев Х.У., Ганиев А.К. Изучение фармакологический активности седативного сбора «Флегман». Farmatsevtica jurnali. 2007. №1. С. 75-77.
3. Сидаметова З.Э. Изучение компонентов эфирного масла седативного сбора “Флегман” // Фармацевтический журнал. -2015. --№3.-С.26-29.
4. Сидаметова З.Э., Ганиев А.К. Аминокислотной состав седативного сбора «Флегман». Farmatsevtica jurnali. 2007. №2. С. 22-24.
5. Сидаметова З.Э., Ганиев А.К. К изучению элементного состава седативного сбора «Флегман». Farmatsevtica jurnali. 2007. №3. С. 43-47.
6. Азизова С.С. Фармакология. Тошкент. Ибн Сино. 2000.496 с.
7. Гущин И.С. Аллергическое воспаление и фармакологический контроль. -Москва.: Фармаус Принт, 1998.- С. 265-270.
8. Изучение полифенолного комплекса водных извлечений сбора мочегонного «Стифлос». Фарманова Н.Т. Бекчанов Х.Н., Урманова Ф.Ф. и др. Farmatsevtica jurnali. 2007. №2. С. 28-29.
9. Сафаров С.С., Имамалиев Б.А. Разработка состава урологического фитосбора // Абу Али ибн Сино и инновации в современной фармацевтике : сборник IV международной научно-практической конференции. Ташкент, 2021.с. 97-98.